**2011 йил 26 октябрь, чоршанба**

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 214 (12.025)

Баҳоси эркин нархда


## ТУРКМАНИСТОН: МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

**Туркманистон 2011 йилнинг 27-28 октябрь кунлари янги тарихидаги муҳим воқеа – ўз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг ва катта тантана билан нишонлайди. Туркманистон ўзининг асосий байрамини улкан муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.**

Туркманистон раҳбарининг оқил ва узоқни кўзлаган ички ва ташқи сиёсати ҳамда жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик, халқимизнинг бунёдкорликка интилиши, рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ҳеч қачон ортга қайтмаслигига қатъий ишончи самарасида юртимизда сиёсий барқарорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ҳукм сурмоқда, иқтисодий ва социал-гуманитар соҳаларда изчил ривожланишга эришилмоқда, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи тобора ортмоқда. Мамлакатимиз ҳаётида рўй берган ва сўнгги беш йилда «Тикланиш ва Туб ўзгаришларнинг янги йўли» деб ном олган ўзгаришлар юртимиз равнақи, кўп миллатли халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш борасида кенг шарт-шароитлар яратди. Ўтган йиллар давомида асрларга татигулик йўлни босиб ўтдик. Бу ўзгаришларнинг моҳияти бунёдкорлик, туб ислоҳотлар, юксалиш ва модернизация жараёнлари мисолида яққол намоён бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз ўз тараққиётининг ҳар бир инсоннинг ижодий имкониятларини кашф этиш, фанни ривожлантириш, интеллектуал даражани ошириш, тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш, ҳар бир фуқарода фаол ҳаётий позицияни тарбиялашга асосланган принципиал жиҳатдан янги босқичига қадам қўйди.

Давлатимиз раҳбари ҳаётий реалликка таянадиган мутлақо янги фалсафани эълон қилди, жамиятга кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини қамраб олган ҳамда тамомила янги Концепция ва уни амалга оширишнинг устуворликларига асосланган мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш дастурини таклиф этди. Бунинг самараси ўлароқ, мустақиллик йилларида, айниқса, сўнгги беш йилда асосий мақсадга эришилди – халқимиз янги жамият қуриш зарурлигини чуқур ҳис этиб, мустақил тараққиёт йўлидан ишонч билан одимламоқда ва Янги тикланиш даври муваффақиятига ишончи қатъий. Давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимуҳамедов раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида илм-фан, таълим ва илғор тажриба соҳаларини тараққий эттириш, энг янги технологияларни татбиқ этиш, ресурс ва интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳисобига улкан муваффақиятларга эришиш таъминланди. Инсон манфаати жамият ва давлатнинг олий қадрияти, деб эълон қилинган ва «Давлат – инсон учун!» шиори остидаги ислоҳотлар сиёсатнинг устувор жиҳатига айланган.

Туркманистоннинг давлат қурилиши борасида эришган муваффақиятлари олиб борилаётган сиёсат ва амалга оширилаётган ислоҳотлар нақадар тўғри ва узоқни кўзланганини, Туркманистон раҳбарининг тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий-сиёсий ташаббуслари ва ғоялари қанчалик ҳаётий ва зарур эканлигини кўрсатмоқда. Пенсиялар, давлат нафақалари миқдорини ошириш, уруш фахрийларига ғамхўрлик кўрсатиш, аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш Президент Гурбангули Бердимуҳамедов давлат сиёсатининг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган курс «Демократик бозор ислоҳотлари – ҳар бир оилада фаровонлик – кучли давлат» формуласи асосида ҳаётга татбиқ этилмоқда. Халқимизнинг раҳбари социал тузилманинг ишлаб чиқариш таркибига, хусусий тадбиркорлик эркинлиги ва замонавий бозор инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратмоқда. Тиббиёт ва таълим, фан ва маданият, спорт ва сайёҳлик соҳаларида рўй бераётган залворли ўзгаришлар кишини ҳайратга солади. Давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг гуманитар асосини ташкил этувчи бу ислоҳотлар жамиятимиз томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда. «Билимли авлод – қудратли Ватан» шиори остида амалга оширилаётган халқимизни маънавий-маданий юксалтириш жараёни Янги тикланиш даврининг туб маъно-моҳиятини ташкил этади ҳамда миллатимиз бунёдкорлик салоҳиятини жамиятимиз ва давлатимиз тараққиёти ҳамда равнақини таъминлаш йўлида сафарбар этишга хизмат қилмоқда.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимиз бугун ўз миллий тараққиётининг янги босқичини бошдан кечирмоқда. Бу – Туркманистон етакчиси Гурбангули Бердимуҳамедовнинг узоқни кўзлаган сиёсати, унинг кишини ҳайратга соладиган даражадаги иш қобилияти, дунё миқёсидаги давлат ва сиёсат арбоби бўлган раҳбаримизнинг нафақат мамлакат ички ҳаётига дахлдор энг мураккаб масалаларни, балки ташқи сиёсат, тинчлик, хавфсизлик ва тараққиётни таъминлаш, бу билан боғлиқ бўлган глобал, минтақавий ва минтақалараро даражадаги масалаларни ҳал этишда ҳам ёрқин намоён бўлаётган истеъдоди самарасидир. Буни мустақил Ватанимиз эришган ҳамда ҳаётимизда ўз аксини топаётган улкан муваффақиятлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳа, халқимиз юртимиз тарихи саҳифаларида зарҳал ҳарфлар билан мангуга муҳрланадиган, мамлакатимиз янги тарихидаги муҳим воқеа – давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини улкан зафарлар билан кутиб олмоқда.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати самаралари айниқса, рақамларда яққол кўринади. Ана шу рақамлар замирида жўшқин меҳнат, янада яхшироқ ишлаш имкониятлари ифодаси мужассамдир, айни пайтда миллий иқтисодиётимиз ҳолатини баҳолаш имконини беради. Мамлакатимизда жорий йилнинг 8 ойи якуни бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 114,5 фоизни ташкил этди. ЯИМ ўсиши иқтисодиёт тармоқлари кесимида қуйидагича ўз ифодасини топди: саноатда – 123,8, транспорт ва алоқа соҳасида – 107,2, савдода – 108, хизмат кўрсатиш соҳасида – 107 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши суръати ҳам юқори. Масалан, бу кўрсаткич саноатда – 147,9, қурилишда – 118,1 фоизни ташкил қилди. Капитал қўйилмаларнинг миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 22,5 фоиз ошди. Ташқи савдо айланмаси 40 фоиз ўсди ва 14 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Газ қазиб олиш 42,3, уни экспорт қилиш кўрсаткичлари 76,1 фоиз ўсди. Нефть ва конденсат қазиб олиш 107 фоизни ташкил қилди. Хитой Халқ Республикасига 13,68 миллиард кубометр газ етказиб берилди. Мамлакатда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес изчил ривожланмоқда. Амалга оширилган ишлар самарасида иш ҳақи даражаси 113,2 фоиз ўсди, аҳоли даромадларининг узлуксиз ўсиши таъминланди. Ижтимоий-маиший объектлар – мактаблар, шифохоналар, турар жойлар, болалар боғчалари ва бошқа иншоотлар белгиланган муддатларда қурилди ва фойдаланишга топширилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган қурилиш ишларининг нақадар кенг кўлам касб этаётганини қуйидаги рақамлардан ҳам кўриш мумкин. Бугун Туркманистонда умумий қиймати 48 миллиард АҚШ долларини ташкил этувчи 2220 объект барпо этилмоқда. Ижтимоий эҳтиёжларга сарфланаётган харажатлар 70 фоиздан ошади. Юқорида келтирилган маълумотлар глобал иқтисодий инқироз шароитида ҳам давлатимиз нафақат макроиқтисодий барқарорлик ва молиявий мустақилликни сақлаб қолишга, балки юқори ўсиш суръатларини таъминлашга ҳам эришганидан далолат беради.

Мамлакатимиз ҳаётидаги яна бир муҳим воқеа — Туркманистон Президенти сайловига ҳам яқин қолди. Ўтган сайловлардан буён мамлакатимизда ҳам, бутун дунёда ҳам кўплаб ўзгаришлар рўй берди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Туркманистон Президент сайловига сифат жиҳатдан ўзгарган фуқаролик онги ва янги дунёқараш билан қадам қўймоқда. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ошиб бормоқда. Бунга аниқ мақсадга йўналтирилган «Очиқ эшиклар» сиёсатини амалга ошириш, барча давлатлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш, тенг ҳуқуқли шерик сифатида жаҳон ҳамжамияти билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш натижасида эришилди. Мамлакатимиз доимий бетараф давлат мақомидан фойдаланган ҳолда минтақавий ва халқаро миқёсдаги долзарб муаммоларни ҳал этишда фаоллик кўрсатмоқда. Бугунги кунда халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда замонавий глобал таҳдид ва хавф-хатарларга, халқаро терроризм ва наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Туркманистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш бўйича қулай шароитлар яратиш борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлайди, бутун дунёда хавфсизлик ва фаровонликни таъминлашга қаратилган халқаро муносабатлар тарафдоридир. Туркманистоннинг бундай позицияси дунёдаги кўплаб давлатлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва бу мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ошишига, мустақиллиги янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти сезиларли даражада ривожланди. Бугунги кунда илгари орзу қилишимиз ҳам қийин бўлган улкан лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқдамиз. Туркманистон, Эрон ва Қозоғистон ҳудуди орқали ўтувчи, қурилиши ниҳоясига етиш арафасида турган Шимол — Жануб темир йўлини, қисқа муддатларда барпо этилган Туркманистон — Хитой ва Туркманистон — Эрон газ қувурларини ва минглаб километрларни ташкил этувчи бошқа магистрал газ қувурларини, «Аваз» миллий сайёҳлик зонасидаги кўплаб иншоотларни, юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида бунёд этилган қурилиш объектларини, йирик кўприк ва автомагистраллар қурилиши бўйича амалга оширилаётган ишларни, очилган ва фойдаланишга топширилган ўнлаб янги газ конларини бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Юқорида қайд этилган муҳим лойиҳалар орасида нафақат улканлиги, балки ноёблиги билан алоҳида ажралиб турувчи Қорақум марказида барпо этилаётган туркман кўли – «Олтин аср» гидротехник иншоотини алоҳида қайд этиш жоиз.

Туркманистоннинг ташқи савдо алоқалари изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз ҳозирги вақтда 129 давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатган, 103 мамлакат билан савдо алоқалари олиб бормоқда. 2011 йилнинг январь-июль ойлари якуни бўйича Туркманистоннинг ташқи савдо айланмаси 140 фоиз кўпайди ва 14 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. 2030 йилгача бўлган даврда мамлакат ва унинг ҳудудларини ривожлантириш бўйича миллий дастурлар ҳақида тўхталиш ўринлидир. Шарқ — Ғарб ички газ қувури қурилиши, Лебоп вилоятида калий ўғитлари, Марв вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш бўйича йирик мажмуалар бу борадаги улкан лойиҳалар сирасига киради. Халқаро валюта жамғармаси экспертлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга юқори баҳо бергани ва Туркманистон иқтисодиётида ўсиш суръатлари келгусида ҳам сақланиб қолади, деган хулосага келгани бизга катта қувонч ва фахр бахш этади. Туркманистон ташқи сиёсатида ҳам кўплаб янгиликлар бўлди. Унинг ўзига хослиги, авваламбор, шунда кўринадики, Президент Гурбангули Бердимуҳамедов Туркманистоннинг ҳар жиҳатдан ҳисобга олинган, илмий асосланган, миллий, минтақавий ва глобал манфаатларни ўзида мужассам этган ташқи сиёсат стратегиясини ишлаб чиқди. Айнан ушбу стратегия натижасида мамлакатимизнинг ташқи сиёсати қисқа вақтда сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Кеча «Ўзэкспомарказ» мажмуасининг барча павильонларида V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг иккинчи босқичи иш бошлади. Мазкур нуфузли тадбир тажриба алмашиш, музокара ва амалий ҳаракатлар майдонига айланганидан ташқари, саноатчиларни яна бир бор жамлаб, уларга истиқболли режаларини амалга оширишлари учун ўзига хос замин вазифасини ўтамоқда.**

## САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Юртбошимиз ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси иқтисодиёт тармоқлари, айниқса, саноатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Гап шундаки, ярмарканинг фаолияти узлуксиз йўлга қўйилгани нафақат ҳудудий ва тармоқ ичида, балки тармоқлараро ва халқаро алоқаларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга хориж инвестицияларини жалб этиш, янги ҳамкорлар иштирокида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш имконини янада кенгайтиришда ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Еттита кўргазма заллари, очиқ майдонлар, конференц залларни тўлалигича қамраган бу галги нуфузли тадбирда намойиш этилаётган маҳсулотлар билан танишар эканмиз, уларнинг аксарияти импорт ўрнини босиши, экспортга йўналтирилгани билан эътиборимизни тортди. Бу саноатимизнинг жадал ривожланаётгани, экспорт салоҳияти йилдан-йилга юксалиб бораётганидан далолат беради, албатта. Мазкур галдаги тадбирда геология-қидирув, минерал хом ашё ресурсларини қидириш ва қайта ишлаш, кимё, фармацевтика, енгил, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари, матбаачилик, транспорт машинасозлиги, электр энергияси сингари мамлакатимиз йирик саноат мажмуаларининг 6500 дан зиёд маҳсулотлари, жумладан, жорий йилда ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган 420 турдаги товарлар ташриф буюрувчилар эътиборини тортмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқарувчилар эндиликда харидор излаб юрмайди. Боиси, ярмарка мана бир неча йилдирки, ишончли ҳамкорлар топишда муҳим омилга айланиб улгурди. Масалан, битта компания таркибидаги ўнлаб корхоналарда жорий йилда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар савдоси бўйича келишув шартномалари шу ернинг ўзида имзоланмоқда. Тушаётган буюртмаларнинг кўплиги кооперация биржасида эришилаётган ютуқлардан далолатдир. Жумладан, корхоналар учун зарур эҳтиёт қисмлар ва технологик ишланмалар хариди бўйича ҳам буюртмалар берилаяпти. Бу, ўз навбатида, тармоқда маҳаллийлаштириш жараёнини тезлаштириш, импорт ҳажмини камайтиришга хизмат қилиши диққатга сазовордир.

Ярмаркада тегишли вазирлик ва идоралар, суғурта ва лизинг компаниялари, банклар, стандартлаштириш, сертификатлаш соҳасига ихтисослаштирилган ташкилотларнинг стендлари ҳар доимгидек юқори даражада ташкил этилиб, соҳалар етакчи мутахассисларининг ўринли маслаҳатлари тадбирнинг янада самарали бўлишини таъминлаётганини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро саноат ярмаркасининг беш кунлик фаолияти давомида юртимиздаги йирик компаниялар, корпорациялар, ташкилот, муассаса ҳамда хусусий бизнес субъектларининг сифатли маҳсулот ва хизмат кўрсатиш турларининг тақдимоти ҳам ташкиллаштирилади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорига асосан, давлат солиқ хизмати органларининг тўққиз ойлик фаолияти якунлари ҳамда жорий йилни муваффақиятли якунлаш борасидаги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**
- **Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят бошқармаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими ташаббуси билан «Minitex.UZ» халқаро кўргазмаси ташкил этилди. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган мазкур тадбирда вилоятда фаолият юритаётган юзга яқин корхона вакиллари, хусусий тадбиркорлар ҳамда хорижлик ишбилармонлар қатнашди.**
- **Кеча Тошкентда ўтказилган «Марду майдон!» жонли ижродаги қўшиқлар фестивали иштирокчиларининг навбатдаги концерти чинакам истеъдодларни саҳнага чорлади. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Terra Group» масъулияти чекланган жамияти ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор ижрочилар ўзаро беллашдилар.**
- **Узун туманидаги «Норбоев Бахтиёр» хусусий корхонаси қошида банкдан ажратилган 30 миллион сўмлик кредит ҳисобига эшик ва дераза ромлари тайёрлайдиган цех иш бошлади. 7 нафар дурадгор жалб этилган корхонада ойига 15 миллион сўмликкача маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.**
- **Тошлоқ туманининг Ахшак қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида «Тошлоққурилиштаъмир» корхонаси бунёдкорлари томонидан барпо этилган 23 та турар жойда уй тўйлари нишонланди.**

### ЖАҲОНДА

- **Кеча Москвада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар учун махсус техникалар кўргазмаси очилди. Унда энг замонавий махсус анжомлар, қуроллар, мосламалар, машиналар, самолёт ва вертолётлар намойиш этилмоқда.**
- **Греция парламенти Европа Иттифоқи ва Халқаро Валюта Жамғармаси томонидан ваъда қилинаётган кредитлар эвазига ойлик маош ва нафақаларнинг қисқартирилишини ёқлаб овоз берди.**
- **Туркия ҳукумати мамлакат жанубишарқидаги Ван музофотида рўй берган кучли зилзила оқибатларига барҳам бериш мақсадида 30 та давлатдан ёрдам сўради.**
- **Швейцариядаги кўп қаватли уйлардан бирида кучли портлаш рўй бериб, ёнғин чиқди. Дастлабки маълумотларга кўра, ушбу ҳодиса натижасида бир киши ҳалок бўлган, 14 та одам тан жароҳатлари олган. Тахминларга кўра, портлаш террорчилик ҳаракати натижасида эмас, балки хонадонларнинг биридаги газ баллонининг носозлиги оқибатида рўй берган.**
- **Татаристоннинг Қозон шаҳрида ўзига хос кўргазма очилди. Унда ер куррасининг турли бурчакларидан топилган рангбаранг метеоритлар намойиш этилмоқда.**
- **Франция маъмурияти мамлакатда кўп йиллардан буён яшаётган муҳожирларнинг Франция фуқаролигини олиши учун турли муолажалардан ташқари, француз тилини ҳам яхши билиши шартлигини белгилаб қўйди. Бу борада унинг дипломи ёки расмий сертификати бўлиши шарт.**
- **Гавай оролларидаги шарт-шароитлар туфайли спортнинг серфинг тури жуда тез ривожланиб бормоқда. Шу боисдан ҳам мамлакат маъмурияти келгуси йил баҳоридан бошлаб серфинг спортини мактаб дарслигига киритишга қарор қилди.**
- **Тез орада Россия йўл-патруль хизмати тизимида «Бутон» қурилмаси жорий этилади. Ушбу қурилма соатига 150 километргача тезликда ҳаракатланаётган машинанинг спиртли ичимликлар ичган ҳайдовчиларини ҳар қандай об-ҳаво шароитларида аниқлаш имкониятига эга.**

# Инсон ва қонун

**2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан қабул этилган Давлат дастури, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ҳамда Бош прокурорнинг буйруғи талаблари ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар прокурорининг фармойишига асосан доимий ишчи гуруҳи тузилиб, бир қатор амалий ишлар бажариб келинмоқда.**

Тадбиркорлик — прокуратура ҳимоясида

## АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

Жумладан, шаҳар прокуратураси органлари ва мутасадди идоралар ҳамкорлигида туманларда жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан 281 та учрашувлар ташкил этилиб, унда қатнашган тадбиркорларнинг 2665 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилган бўлса, 389 нафар тадбиркорга амалий ёрдам кўрсатилди.

Масалан, 60 нафар тадбиркорга 8 миллиард 723,1 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари олинишида, 329 нафар ишбилармонга янги жамият ташкил қилишларида, жамият Низомининг рўйхатга олиниши ва бирор-бир фаолият билан шуғулланиш учун рухсат берувчи гувоҳномаларни олишларида яқиндан кўмак берилди.

Хусусан, Чилонзор туман давлат солиқ инспекцияси томонидан Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежи ҳудудида жойлашган хунарманд М. Исаевага қарашли тикув цехида қисқа муддатли текшириш ўтказилганда, М. Исаеванинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида банкда ҳисоб рақами очмасдан, савдо нуқтаси ташкил қилмасдан фаолият кўрсатаётганлиги аниқланган.

Тошкент шаҳар прокуратурасининг ёрдами билан фуқаро М. Исаеванинг фаолияти қонунга мувофиқлаштирилиб, унинг келгусида иш юритиши учун шарт-шароитлар яратиб берилди. Жумладан, М.Исаевага янги «Фешн Лайн Плас» масъулияти чекланган жамияти ташкил қилишга кўмак берилиб, туман ҳокимлигида рўйхатга олинди. Унинг фаолият кўрсатиши учун Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежи ҳудудида бўш майдонни ижарага бериш ҳақида Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази билан шартномалар тузилди. Яратилган шароитлар натижасида М.Исаева томонидан қўшимча 10 та иш ўринлари ташкил этилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 12 август куни Тошкент шаҳар прокуратурасининг бевосита ташаббуси билан пойтахтда фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига жойлардаги ҳокимият органлари ва назорат-текширув идоралари томонидан ноўрин аралашувлар, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар» мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Анжуманда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик», «Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ҳамда ривожланиш босқичлари», «2011 йил солиқ сиёсатидаги асосий ўзгаришлар», «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш», «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг асосий йўналишлари тўғрисида тушунчалар», «Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 12 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳақида» мавзуларида тайёрланган буклетлар ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар» номли қонунлар тўпламининг дискдаги электрон варианти семинар иштирокчиларига амалиётда фойдаланишлари учун тарқатилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида шаҳар прокуратурасига тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган 60 та аризалар ҳал этилган бўлиб, шундан 14 таси қаноатлантирилган, 22 та тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

2011 йилнинг ўтган даврида шаҳар прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишда ўтказилган 29 та текширув натижаларига кўра, қонунбузилиш ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 41 та тақдимнома киритилган, ноқонуний қарорларга нисбатан 138 та протестлар келтирилган, 55 нафар шахс интизомий ҳамда шунча шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, 270 нафар шахслар расман огоҳлантирилган, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари бўйича 9 та жиноят ишлари қўзғатилган. Тадбиркорлар фойдасига 195 миллион 467,3 минг сўмни ундириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилган.

**Бахтиёр КАДИРОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими прокурори**





**Жойларда тинчлик-осойишталикни сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, зарур вақтда тегишли ёрдамни бериш, аҳоли муаммоларини маҳалланинг ўзида тезкорлик билан ҳал этиш, халқ билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадида бугунги кунда профилактика инспекторлари маҳалланинг ўзида фаолият олиб бормоқда.**

## МАҲАЛЛА ТИНЧ — ВАТАН ОБОД

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилдаги «Жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги профилактика хизматининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ҳамда 2002 йилдаги «Милиция таянч пунктлари инфратузилмаси ва ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари асосида бугунги кунда республикамиз ҳудудида 3534 тадан ортиқ милиция таянч пунктлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг 83 фоизи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир бинода жойлашган ҳолда фаолият юритади. 85 фоизи атрофида спорт майдончалари, 75 фоизи ҳузурида турли тўгараклар, 72 фоизи атрофида эса кичик бизнес шохобчалари ташкил этилган.

Хусусан, Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Янги Камолон» маҳалласи фаолиятига назар соладиган бўлсак, ҳудудда тинчлик-осудаликни сақлаш, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, вояга етмаганлар ўртасида турли кўнгилсизликлар содир этилишининг олдини олишда профилактика инспекторларининг хизмати эътиборга молик эканлигини сезиш қийин эмас.

— Маҳаллада 4046 нафардан ортиқ аҳоли, 1353 та оила истиқомат қилади, — дейди 371-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Шерзод Қодиров. — Ҳамкасбим, капитан Жасур Саидумаров билан ҳудуднинг тоза-озодалиги, маҳалладошларнинг ўзаро тинч-тотув яшаб умргузаронлик қилиши, ёшларни тўғри йўлга солиш, вояга етмаганлар ўртасида доимо тушунтириш ишларини олиб бориш, маҳаллага ким келиб, ким кетяпти, нотинч оилалар ҳол-аҳволидан хабардор бўлиш, кўмагимизга муҳтож бўлганларга вақтида ёрдам беришга асосий эътиборни қаратганмиз. Айниқса, вояга етмаган ўсмир-ёшлар билан доимий яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Шунинг учун ҳам улар ўртасида тарбияси оғирлар рўйхатида турганлар йўқ, вояга етмаганлар ўртасида биронта жиноят содир этилмаган. Бизга, албатта маҳалла фуқаролар йиғини раиси Озода Нишонбоева, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Муҳайё Муродова, посбонлар сардори Рустам Асқаровлар яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.- Ўзаро маслаҳатлашиб, яқин ҳамкорликда иш олиб борилгани туфайли тумандаги энг эътиборли маҳаллалар қаторидамиз.

**Шаҳризода МУҲСИМОВА**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

**Бугунги кунда ўсиб келаётган ёшларни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, юксак маънавиятли инсон бўлиб вояга етишлари йўлида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, уларни бугунги кунда долзарб муаммо бўлиб турган одам савдоси иллатларидан сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар фикримиз тасдиғидир.**

Анжуманлар

## ЁШЛАРГА САБОҚ БЎЛСИН

«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ҳамда «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот маърифат маркази ҳамкорлигида пойтахтимиздаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, одам савдосининг олдини олиш, одам савдосига дучор бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ҳимоя қилиш мақсадида «Биз одам савдосига қаршимиз!» шиори остида давра суҳбатлари ўтказилди.

Жумладан, Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Нодирабегим, «Катта қорасув», Бектемир туманидаги «Астробод», Сергели туманидаги Бобур, «Оқибат», Олмазор туманидаги «Гуручариқ», «Қорасарой» маҳаллаларида ушбу мавзу доирасида ўтказилган давра суҳбатларига ёшлар давраси кенг қамраб олинди.

Давра суҳбати жараёнида маҳалла ёшларига малакали мутахассислар томонидан одам савдосига қандай дучор бўлиш, шундай вазиятларда кимга мурожаат қилиш, одам савдосига дучор бўлган шахслар бошларидан нималарни кечирганлиги, жабрланган шахсларнинг ҳам тенг ҳуқуқлилиги, бошқалар каби илгаригидек ҳаёт кечиришини давом эттиришлари ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлиги тушунтирилди.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга аниқ ва тушунарли даражада малакали мутахассислар томонидан жавоблар олишди.

**Нигора АБДУНАЗАРОВА,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси**

**Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да қонунчилик базасини такомиллаштириш, тадбиркорлар учун янги имкониятлар яратиш вазифалари белгилаб берилди. Ушбу концепцияда белгиланган иқтисодий ислоҳотларга ҳамоҳанг 2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди ва бу борада қабул қилинган 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорида ушбу йилда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.**

Қарор ва ижро

## ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Давлат дастурининг асосий моҳияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ички бозорни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринларини яратиш, қолаверса, аҳоли даромадларини кўпайтиришга қаратилган. Шу билан бирга мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳитини яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларини қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳамда кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш белгиланган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки дастурда белгиланган барча йўналишдаги чора-тадбирлар ва вазифаларни амалга ошириш албатта солиқ хизмати ходимларига ҳам катта масъулият юклайди.

Шуларни эътиборга олган ҳолда Олмазор туманида ҳам тадбирлар режаси белгиланиб тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Корхона, ташкилот ва маҳаллаларда ташкил этилаётган учрашув ва семинарлар ана шу йўналишдаги ишлардан биридир. Жорий йилда туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан 23 та семинар, 3 маротаба давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда 2196 нафар тингловчи иштирок этганлиги фикримиз далилидир.

Шуни айтиш жоизки, туманда тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эътибор қаратиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, бу йўлдаги бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида, ҳафтанинг ҳар жума куни туман ҳокимиятида «Очиқ эшиклар куни» тадбири ташкил этилган. Унда тумандаги назорат органларининг масъул ходимлари тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг муаммолари тингланади, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти тушунтирилади, саволларига тўлиқ жавоб берилади. Шу кунгача ўн беш маротаба ўтказилган тадбирлар давомида 212 та хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиб, уларнинг 13 дан ортиқ муаммолари ижобий ҳал этилди.

**Зафар САГАТОВ,**
**Олмазор тумани ДСИ бўлим бошлиғи ўринбосари**

## ТУРКМАНИСТОН: МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Президентимиз томонидан доимий равишда илгари сурилаётган тинчликни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган янги-янги кенг кўламли ташқи сиёсий ташаббуслар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда ҳамда башарият олдида турган, БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида баён қилинган минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишга тобора салмоқли ҳисса қўшмоқда. Туркманистон Президенти томонидан ишлаб чиқилган хавфсизликнинг яхлитлиги ва бўлинмаслиги тўғрисидаги янги концепция фундаментал аҳамиятга эгадир. Ушбу концепциянинг тамойиллари мамлакатимизнинг ташқи сиёсатга оид йирик ташаббус ва таклифларининг асосини ташкил этади. Биринчи навбатда, бу глобал энергетик хавфсизликни таъминлаш ва БМТ шафеълигида энергия манбаларининг жаҳон бозорларига ишончли ва хавфсиз транзитини таъминлаш бўйича универсал механизмларни ишлаб чиқиш учун эксперт гуруҳини, кейинчалик БМТ махсус органи – Энергетикага оид кенгаш тузиш, Афғонистон муаммосини ҳал қилиш, аъзо давлат сифатида Туркманистоннинг халқаро ташкилотлар, аввалambor, БМТ фаолиятида, Марказий Осиёда ва Каспий денгизи ҳавзасида хавфсизликни таъминлаш ва бугунги кундаги бошқа долзарб муаммоларни ҳал этишда тўлақонли иштироки билан боғлиқдир. Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг яқинда бўлиб ўтган 66-сессиясида илгари сурилган, кенг кўламли, энг асосийси Туркманистоннинг БМТ, халқаро тузилмалар ва давлатлар билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалаларини қамраб олган ташаббуслар ҳам ғоят долзарб эканлиги эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Биз дунё учун очиқмиз, кенг кўламли алоқалар, шу жумладан, маданият соҳасида ҳамкорлик учун очиқмиз». Мамлакатимизда халқаро фестиваллар, маданият кунлари ташкил этилмоқда. Туркманистон ташқи сиёсий курси ўз самараларини бермоқда. Хусусан, Туркманистон – Ўзбекистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди. Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, давлатларимиз ўртасидаги дўстона қўшничилик муносабатларини икки қардош халқ, бугунги ва келгуси авлодларимиз фаровонлиги йўлида янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун янги, кенг имкониятлар пайдо бўлди. Сўнгги йилларда ўзаро муносабатларимиз, айниқса фаоллашди. Мустақиллик йилларида 12 марта олий даражадаги ўзаро ташрифлар амалга оширилди, уларнинг ярми сўнгги 5 йилга тўғри келади. Икки томонлама ҳамкорлик ўзаро ҳурмат ва ишонч, мулоқотларнинг мунтазамлиги, томонларнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтиришга муштарак интилишлари билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан жорий йилнинг 5-6 май кунлари Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов навбатдаги расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Икки мамлакат раҳбарларининг учрашуви якунида томонларнинг ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга, эришилган келишувларни самарали амалга оширишга қаратилган давлатлараро ва ҳукуматлараро муносабатлар механизмларини ривожлантиришга бўлган муштарак интилиши яна бир бор тасдиқланди. Ташриф доирасида имзоланган 4 ҳужжат Ўзбекистон – Туркманистон муносабатларининг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлади. Расмий Тошкент ва Ашхободнинг минтақавий ва глобал хавфсизлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистон муаммосини халқаро тузилмалар ва ушбу мамлакат билан қўшни давлатлар иштирокида ҳал этиш бўйича музокаралар жараёнини жадаллаштиришга қаратилган янги самарали механизмларни яратиш, халқаро терроризм ва экстремизм, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашиш масалаларида қарашлари бир-бирига ўхшаш ва яқиндир. Халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик мамлакатларимизнинг халқаро майдондаги конструктив ва самарали шериклигига мисол бўла олади. Ўзбекистон ва Туркманистон Марказий Осиёдаги сув-энергетика соҳасига оид масалаларда уни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари асосида, минтақанинг барча мамлакатлари манфаатлари ва розилигини ҳисобга олган ҳолда муҳокама этиш лозим, деган умумий позицияни намоён этмоқда. Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами ҳам кенг. 2011 йилнинг февраль ойида навбатдаги мажлиси ўтказилган Ўзбекистон — Туркманистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг самарали фаолияти ушбу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда ва 2010 йил якунлари бўйича 267 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Яъни, 2009 йилга нисбатан 155,9 фоиз ўсди. Жорий йилда бу борадаги кўрсаткичлар янада ошди ва биринчи ярим йилда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 306 фоиз ўсди ва 216,27 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон ва Туркманистон углеводород хомашёси захиралари бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлар сирасига киради. Энергия манбаларига талаб тобора ошиб бораётган ҳозирги шароитда давлатларимизнинг нефть ва газ соҳасидаги яқин ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Муҳим стратегик хомашёни экспорт қилиш йўналишларини диверсификациялаш имконини берган Туркманистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой газ қувури қурилиши бўйича йирик лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатларимизнинг ушбу соҳадаги самарали ҳамкорлигига яққол мисол бўла олади. Транспорт коммуникациялари соҳаси иқтисодий ҳамкорлик борасидаги яна бир муҳим йўналишдир. Мамлакатларимиз мунтазам юк ташишда учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтаётгани Ўзбекистон ва Туркманистоннинг катта транзит салоҳиятидан далолатдир. Бу ҳақда сўз кетганда, Ашхободда Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Уммон — Қатар янги халқаро транспорт-коммуникация йўлагини ташкил этиш бўйича имзоланган битимнинг тарихий аҳамиятини алоҳида қайд этиш жоиз. Ишончим комилки, ушбу кўптомонлама лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши савдо-иқтисодий алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратади, транзит юклар оқимини кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Маданий-гуманитар ҳамкорлик икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Ушбу соҳадаги алоқалар ҳақида сўз борганда, Президент Ислом Каримовнинг 2010 йил октябрь ойида Туркманистонга расмий ташрифи чоғида имзоланган Маданий-гуманитар соҳада 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон ва Туркманистон вакиллари икки мамлакатда ташкил этиладиган фестиваль, кўргазма ва форумларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Хусусан, туркманистонлик санъат усталари Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир. Мамлакатимиз санъаткорлари жорий йилда ўтказилган фестивалда ҳам қатнашдилар. Бу ўринда Тошҳовузда 2010 йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган ёрқин ва унутилмас воқеаларга бой бўлган Ўзбекистон — Туркманистон Дўстлик фестивалини ҳам қайд этиш жоиз. Жорий йилнинг 6 май куни Бухорода муваффақиятли ўтган мамлакатларимиз санъат усталарининг биргаликдаги концерти, туркманистонлик санъаткорларнинг «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалидаги муваффақиятли иштироки бу хайрли анъананинг мантиқий давоми бўлди. Мамлакатларимизнинг тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлигини яққол ифода этувчи ҳамда ўзаро алоқаларимизни келгусида янада мустаҳкамлашнинг кафолати ҳисобланган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мақоламни Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг қуйидаги сўзлари билан якунлашни истардим: «Мустақил Бетараф Туркманистон ўз келажагини яққол тасаввур этади, давлат ва жамиятни ривожлантириш бўйича режаларни ишонч билан шакллантирмоқда. Халқаро ҳамкорлик борасидаги кенг кўламли, кўп қиррали пухта сиёсатимиз келажакка ишонч билан қарашимизга имкон беради. Шубҳа йўққи, Бетараф, тинчликсевар Туркманистон бундан буён ҳам сайёрамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун зарур барча ишларни амалга оширади, инсоният цивилизацияси тараққиёти ва юксалишига ўз ҳиссасини қўшаверади».

**Солтан ПИРМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси (ЎзА).**

**Ёшлар ижод саройида «Art Week Style.Uz – 2011» санъат ҳафталиги доирасида ўтказилган «Олтин гепард» биринчи халқаро Тошкент кинофоруми ғолибларига совринларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.**

## «Art Week Style.Uz – 2011»

# «ОЛТИН ГЕПАРД» ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Шу муносабат билан мазкур муҳташам саройга юртимиз ва хорижий давлатларнинг кино арбоблари, таниқли режиссёрлар, маданият ва санъат намояндалари, продюсерлар, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш, улар қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш жараёнида олиб борилаётган кенг кўламли ишларда миллий маданиятимиз ва санъатимизни изчил равнақ топтириш, унинг ўзига хос мактаб ва анъаналарини ривожлантириш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 16 мартда қабул қилинган «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони миллий кинематографияни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу ҳужжатга биноан юртимизда эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқларни, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини кино санъати воситасида бадиий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, навқирон авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, ғоявий-бадиий савиясини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «Ўзбеккино» Миллий агентлиги билан ҳамкорликда миллий кино санъатимизни янада равнақ топтириш, унинг энг яхши ютуқ ва янгиликларини тарғиб ва ташвиқ этиш, ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга оид бир қатор ижодий лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширмоқда. Жаҳоннинг таниқли кино юлдузлари билан ижодий учрашувлар, мусиқий кечалар, ёш киноижодкорлар учун маҳорат сабоқлари, фестиваль ва кўрик-танловлар ўзбек ва жаҳон кино санъатининг энг яхши анъаналарини оммалаштириш, ижодкорлар ўртасидаги ўзаро мулоқотни кенгайтириш ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

«Art Week Style.Uz – 2011» санъат ҳафталиги доирасида ташкил этилган «Олтин гепард» биринчи Тошкент халқаро кинофоруми томошабинларга замонавий кинематография оламидаги эътиборли жараёнларни кузатиш, жаҳон кинематографларининг энг сара асарлари билан танишиш, ўзбек санъатининг тараққиёт босқичлари, бугунги куни ҳақида кенг маълумот беришда алоҳида аҳамият касб этди.

«XXI аср тамаддуни: маданиятлар мулоқоти» шиори остида ўтказилган кинофорумда Хитой, АҚШ, Аргентина, Жанубий Корея, Германия, Руминия, Франция, Бельгия, Болгария, Озарбойжон, Беларусь, Венгрия, Арманистон, Россия, Эрон сингари кўплаб мамлакатларнинг фильмлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

«Инсон тақдири – туйғулар фалсафаси» ғоясини ўзида мужассам этган мазкур кинофорум давомида янги фильмлар премьераси, тақдимот маросимлари, ижодий учрашув ва анжуманлар бўлиб ўтди. Жаҳоннинг машҳур кинорежиссёрлари, продюсерлар, сценарийнавислар, актёрлар ва санъатшунослар, танқидчилар иштирокидаги давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари жаҳон кино санъатининг ривожланиш тамойиллари ва йўлларини атрофлича муҳокама этишда алоҳида аҳамият касб этди. Айни пайтда «Ўзбекфильм» киностудиясида кейинги йилларда яратилган фильм-лар тақдимотига бағишланган «Замонавий ўзбек киноси панорамаси» лойиҳаси, ҳужжатли кинога оид «Муҳрланган вақт» дастури, хусусий студияларда тасвирга олинган «Томошабин билан қадам-бақадам» лойиҳаси, турли мамлакатларда ишланган энг сара қисқа метражли фильмларга доир «Non-stop» дастури, Германия, Франция анимацион фильмларининг намойиши томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Кинофорумнинг Ёшлар ижод саройи, Алишер Навоий номидаги Кино саройи, Ўзбекистон давлат санъат институти, «Premier-Hall» кинотеатрида бўлиб ўтган ранг-баранг, ёрқин ва бетакрор тадбирлари санъат, маънавият, дўстлик ва ҳамжиҳатлик байрамига айланиб кетди.

– Кун сайин чирой очиб бораётган гўзал Тошкент шаҳрида кино, театр, тасвирий санъат ва дизайн, мусиқа, замонавий хореографияга оид бундай йирик ҳафталикнинг ўтказилиши таҳсинга сазовор, – дейди кинопродюсер, «Golden Horse» Тайвань кино мукофоти ташкилий қўмитаси президенти (Хитой Тайпейи) ва режиссёр Пегги Чао хоним. – Кинофорумнинг юксак савияда ўтказилгани, унда барча санъат ихлосмандларининг иштирок этиши учун шароит ва имкониятларнинг яратилгани ҳавас уйғотади. Буларнинг барчаси Президент Ислом Каримов томонидан санъат ривожига кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик ва эътибор, ўзбек халқининг юксак ижодий-интеллектуал салоҳияти, маънавияти, бағрикенглиги ва меҳмондўстлигининг амалдаги яққол ифодасидир.

Биринчи «Олтин гепард» Тошкент халқаро кинофорумида эронлик режиссёр Шаҳрам Мокрининг «Хом, пиширилган, ёндирилган» фильми – «Энг яхши қисқа метражли фильм учун», германиялик режиссёр Верена Фелснинг «Мобиль» мультфильми – «Энг яхши анимацион фильм учун», Хитой Тайпейи режиссёри Чанг Цо-Чи яратган «Муҳаббат келган дамда» фильми – «Энг яхши режиссура» номинациясида ғолиб бўлди. Россиялик актриса Полина Кутепованинг режиссёр Вячеслав Злотопольский ишлаган «Шамоллар уйи» фильмидаги роли – «Энг яхши аёл роли учун», ҳамюртимиз Нозим Тўлахўжаевнинг режиссёр Ёлқин Тўйчиев яратган «Илова» фильмидаги роли – «Энг яхши эркак роли учун» номинациясида ғолиб топилди.

Таниқли режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг «Қўрғошин» бадиий фильми – «Энг яхши тўлиқ метражли фильм учун» номинациясида ғолиб бўлди ва мазкур кинофорумнинг энг яхши фильми деб эълон қилинди.

Ғолибларга «Олтин гепард» кинофоруминнинг мукофотлари ва дипломлар тантанали тарзда топширилди.

Кинофорум якунида ўзбек ва жаҳон кино санъати дурдоналаридан лавҳалар, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

## Янги қонун кучга кирди

# ТЕМИР ЙЎЛ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

**Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган мамлакатимиз қадимдан минтақада муҳим геостратегик ўрин эгаллаб келади. Юртимиз ҳудудидан кўплаб асосий савдо йўллари ўтган. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда транспорт-коммуникация тизими Ўзбекистоннинг ана шу салоҳиятига мос равишда тараққий этмоқда.**

Мамлакатимиз транспорт тизимининг муҳим бўғини – темир йўл соҳасини ривожлантиришга мустақилликнинг дастлабки кунларидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда умумий узунлиги тўрт минг километрдан ошадиган темир йўлларимиз халқаро талабларга тўла жавоб беради. Айни пайтда мамлакатимизда юк ташишнинг қарийб 70 фоизи, экспорт ва импорт учун юк ташиш умумий ҳажмининг эса 80 фоизи темир йўл орқали амалга оширилаётир.

– Темир йўл тизимининг энг асосий қоидаларидан бири хавфсиз ва кафолатли хизмат кўрсатишдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими Эркин Ҳайитов. – Истиқлол йилларида соҳага қаратилаётган доимий эътибор самарасида бу борада улкан натижаларга эришилмоқда. Темир йўл тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил ишлар натижасида Ўзбекистон темир йўллари юқори технологияларга асосланган замонавий транспорт тизимига айланди.

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида ишга туширилган юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоездининг ўзи ушбу соҳа нечоғли изчил ва жадал тараққий этаётганига ёрқин мисолдир. Йўловчилар учун барча қулай хизматлар муҳайё этилган мазкур поезд соатига 250 километр тезликда ҳаракатланади.

Айни пайтда темир йўлларда йўловчиларнинг хавфсизлиги масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида. Бу борада, энг аввало, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий асослар тобора мустаҳкамланмоқда. 2011 йил 9 сентябрдан кучга кирган «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ана шу мақсадга хизмат қилади.

1999 йилда қабул қилинган «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида йўловчилар, багаж ва юк багажини ташишга оид меъёрлар белгиланган. Ушбу меъёрларга кўра, темир йўл транспорти корхоналари йўловчилар, багаж, юк багажининг ўз вақтида манзилига етказилишини, вокзалларда ва поездларда йўловчиларнинг хавфсизлигини, уларга хизмат кўрсатиш учун зарур қулайликлар ва шароитлар яратилишини таъминлаши шарт. Шунингдек, ушбу моддада поездларнинг ҳаракатланиш вақти, турли тўловлар миқдори, йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида зарур ахборот билан таъминлаш тартиблари ўз ифодасини топган.

Янги қонун асосида ушбу модда янада такомиллаштирилди. Аниқроқ айтганда, қонуннинг 12-моддаси олтинчи қисми янги таҳрирда баён этилди. Эндиликда йўловчиларнинг ҳамда темир йўл транспорти ходимларининг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ваколатли органлар вокзалга киришда белгиланган тартибда қўл юкини, багажни кўздан кечиради ҳамда йўловчилар ва бошқа шахсларни шахсий кўздан кечиришдан ўтказади. Текширишдан бош тортилган тақдирда, вокзалга кириш тақиқланади, йўловчилар эса ташишга қўйилмайди.

Кўздан кечиришни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли органларнинг рўйхати ва кўздан кечиришни ўтказиш тартиби, шунингдек, йўловчилар ва бошқа шахсларнинг вокзалларда бўлиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ушбу қонуннинг 20-моддаси ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, темир йўл транспорти ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш қоидаларини қамраб олган бўлса, қонунга киритилган янги $20^1$-модда орқали темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар белгиланди. Унга мувофиқ, темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Қонундаги яна бир ўзгартиш 26-моддага киритилган – темир йўл транспорти корхоналарининг жавобгарлиги янада аниқлаштирилди.

Қонунчиликда белгиланган хавфсизлик чоралари амалда ҳам изчил қўлланилмоқда. Жорий йилда юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездлари ўтадиган ҳудудларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида бунёд этилган муҳофаза ҳудудларида умумий узунлиги 684 километр темир-бетон деворлар ва металл панжарали тўсиқлар ўрнатилди. Шу билан бирга, темир йўл йўлакларида махсус тўсиқлар ўрнатилиб, поезд ҳаракати вақтида уларни тўсиб қўйиш ва йўловчилар қатновини муайян муддат тўхтатиб туриш кўзда тутилган. «Тошкент – Самарқанд» йўналиши бўйлаб 89 ана шундай пиёдалар йўлаги барпо этилди. 97 қўриқловчи постлар қурилиб, мавжудлари таъмирдан чиқарилди.

Бундан ташқари, ички ишлар идоралари ходимлари, темир йўл хизматчилари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда «Тошкент–Самарқанд–Тошкент» йўналишида тезюрар поездларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида рангли кўринишдаги эслатма ва талабномалар тайёрланиб, темир йўлларга яқин аҳоли пунктларига тарқатилди. Уларда юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи поездлар йўналишига яқин жойларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига, электр тармоқларини муҳофаза қилиш ва санитария қоидаларига қатъий риоя қилиш, поездлар қатновининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслик таъкидланган. Шунингдек, йўл объектлари, сигнал бериш ҳамда алоқа иншоотлари ва бошқа қурилмаларга шикаст етказмаслик каби огоҳлантирувчи талаблар кўрсатилган. Ушбу талабларга риоя қилмаслик темир йўл тизимида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга тўсқинлик қилгани боис мазкур меъёрларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Қонун ҳужжатларига киритилган бу каби ўзгартиришлар, аввало, фуқароларнинг ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш, темир йўлларда хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтиришга қаратилган. Бундай эзгу ишларга ҳисса қўшиш эса барчамизнинг бурчимиздир.

**ЎзА мухбири**
**Норгул АБДУРАИМОВА**
**ёзиб олди**

---

**Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида Олмазор туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.**





## Танловлар

# ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

Унда тумандаги олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактабларида ўтказилган танловнинг биринчи босқичида ғолиб бўлган 28 нафар қизлар иштирок этдилар.

Қизлар бешта йўналиш бўйича, яъни ўзларини қизиқтирган соҳаларида эришган ютуқлари, ёзган шеър, ҳикоя ва мақолалари, миллий, бадиий безак ва каштачилик бўйича ишлари, шунингдек, дилбар рақслари билан қатнашиб ўз иқтидорларини намоён қилдилар. Санъат соҳасида қатнашаётган қизларнинг ижодидан кўргазмалар ҳам намойиш этилди.

Тадбирда шунингдек, тумандаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳам қатнашдилар.

– Айни кунларда, «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловнинг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда–, дейди Олмазор туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муқаддам Расулова. – Бу танлов жуда кўплаб иқтидорларни юзага чиқариш баробарида уларнинг истеъдодларини шакллантириш, қўллаб-қувватлашда муҳим омил вазифасини ўтамоқда. Бугунги танловда ҳам энг оқила, зукко ва билимдон қизлар ўз иқтидорларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар ва бунга эришдилар. Қизларнинг кийимларидаги миллийлик кўзларни қувнатса, юзларидаги ўзбекона ҳаё, ибо кўнгилларга хотиржамлик бахш этади. Бу танловнинг негизида нафақат қизлар орасидан иқтидорларни аниқлаб олиш, балки, юртимиз қизлари келажагига бўлган ишонч, меҳру муҳаббат ва эҳтиром туйғулари ҳам мужассамдир. Ишонамизки, мана шу дилбар қизларимиз келажаги порлоқ мамлакатимизнинг янада тараққий этишига, дунё мамлакатлари орасида нуфузи ошиб боришига ўз меҳнатлари, изланишлари ва энг асосийси, иқтидорлари билан ҳисса қўшадилар.

Дарҳақиқат, ўн икки йилдан бери анъанавий равишда ўтказиб келинаётган мазкур танлов натижасида жуда кўплаб иқтидорли қизлар танлаб олинди. Айни пайтда улар турли соҳаларда ўқиб, изланиб, меҳнат қилиб келмоқдалар. Юртимизда ўтказилаётган ҳар қандай танлов негизида ёшлар камолоти, нурафшон эртаси мужассамдир. «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танлови ҳам бу борадаги изланишларга, интилишларга, умидли чўққиларга қўйилган хайрли қадамлардан биридир.

Танлов сўнгида иштирокчи қизлар «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши, Қизил Ярим Ой жамияти, «Соғлом авлод учун» ва «Маҳалла» жамғармалари томонидан эсдалик совғалари ҳамда туман хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Кўрик натижаларига кўра, бешта йўналиш бўйича ғолиб бўлган қизлар танловнинг шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**
**СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар**
**Баҳодир Оқилов олган суратлар**

---

## Тиббиёт

# САМАРАЛИ МУОЛАЖАЛАР

**Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация Илмий-амалий тиббиёт маркази олимлари ишланмалари инновацион технологиялар кўргазмасида фаол қатнашиб келмоқда.**

Марказнинг илмий тадқиқот борасидаги изланишлари, грант дастурларидаги амалиётлари кутилган натижаларни бермоқда. Буни пульмонология, кардиология, ревматология йўналишлари бўйича эришилаётган ютуқлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Клиник аллергология ва пульмонология бўлимида сурункали ўпка яллиғланиши ва авж олишининг ирсиятга боғлиқлиги ҳам кенг ўрганилмоқда. Аллергик касалликларни даволашда замонавий услублардан фойдаланиладиган лаборатория фаолият юритмоқда. Бронхологик касалликларга ташхис қўйишда ҳам самарадорликка эришилмоқда.

Марказда юқори технологияли магнит резонансли томография ҳамда лаборатория текширувларини амалга оширувчи диагностика аппаратларини татбиқ этиш режаси 2012 йилгача давлат дастурига киритилган.

Марказда юрак, қон-томир ва асаб тизими, ошқозон-ичак, таянч-ҳаракатлар касалликлари устида ҳам самарали изланишлар олиб борилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

---

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 10.05.2010 йилдаги № 5731/22-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, 5-Аҳил кўчасида жойлашган ер майдони 256,0 кв. ум. фойдаланиш майдони 246,23 кв.м. ва яшаш майдони 119,77 кв.м. яшаш хоналар сони 5 тадан иборат бўлган 26-уй (хонадон ҳовли) бош. нархи – 250 000 000 сўм. 2. Чилонзор тумани СИБ томонидан 15.02.2010 йилдаги № 10-0916/20261-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, К.Шарипов кўчаси, 50-уйда жойлашган ОАО «Ўзёғочқоғозсавдо» жамиятига тегишли бўлган умумий майдони 199 кв.м. бўлган 3 қаватли маъмурий бинонинг 1-қаватининг бир қисми бош. нархи – 68 755 000 сўм. 3. Сергели тумани СИБ томонидан 25.11.2010 йилдаги № 29087-88/14-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Сергели-7 мавзеси, 62-уйда жойлашган умумий майдони 93.40 кв., 4 хонадан иборат 9-қаватдаги 17-хонадон (турар жой) бош. нархи – 45 000 000 сўм. 4.Чилонзор тумани СИБ томонидан 25.03.2011 йилдаги № 10-1119/13367-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 20-даҳада жойлашган умумий фойдали майдони 74,0 кв.м.дан иборат бўлган 4 қаватли уйнинг 1-қаватидаги 9-уй, 3-хонадон офис биноси (нотурар жой) бош. нархи – 75 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 25 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2011 йилнинг 25 ноябрь куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 16 декабрь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк»нинг Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда яъни 2011 йил 23 ноябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039

**«Биринчи Автокорхона» ОАЖ маъмурияти «Д» тоифали 3 йил меҳнат стажига эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилади. Ўртача ойлик маоши 500 000 – 600 000 сўмни ташкил этади.**

**Мурожаат учун телефонлар: 290-28-91, 290-90-21.**



**Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳолини, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб этиш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.**

### Олимпиада — 2012

# ВЕЛОСПОРТ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Халқаро талаблар даражасида барпо этилаётган ва жаҳон андозаларига мос жиҳозланаётган замонавий спорт иншоотлари нафақат шаҳар ва туман марказларида, балки олис қишлоқларда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча шарт-шароитлар яратилиб, бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шунинг баробарида ўтган вақт ичида мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилувчи спортчилар сони ортиб бормоқда. Улар мунтазам равишда Олимпиада ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқдалар.

Республикамиз Президентининг «Ўзбекистон спортчиларини 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги Қарори барча тегишли вазирлик ва идоралар олдидаги асосий вазифаларни белгилаб берди. Мазкур ҳужжат Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик бўйича дастуруламал бўлди.

Жорий йил бошида эса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон Велоспорт федерациясининг бош ҳомийси этиб белгиланди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Республикада велоспортни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Велоспорт федерациясининг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилган.

Куни кеча «Олимпия шон-шуҳрати» музейида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди. Жумладан, унда сўз олган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, Ўзбекистон Велоспорт федерацияси раиси Танзила Нарбаева Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Республикада велоспортни ривожлантириш ҳамда Велоспорт федерациясининг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек велоспорт бўйича Ўзбекистон Республикаси терма жамоаси бош мураббийи Владислав Искандаров Юртбошимиз бошчилигида спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилаётган эътибор, иқтидорли, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрлик, шу билан бирга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб, ёшларимиз мана шу ишончга жавобан халқаро майдонларда муносиб ўринларни эгаллашга интилаётганларини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда алоҳида қайд этилганидек, бугунги кунда касаба уюшмалари тизимидаги ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида велоспорт бўлинмаларини ташкил этиш бўйича ишлар давом этмоқда. Хусусан, Олимпия захиралари Республика спорт мактабида ташкил этилган велоспорт бўлинмасида 50 нафардан зиёд ўғил-қиз ушбу спорт сирларини ўрганмоқда.

Таъкидлаш зарурки, велоспорт бўйича Миллий терма жамоага захира таркибини тайёрлаш мақсадида спортчилар ва мураббийларни жамлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, барча ҳудудларда ёш ва қобилиятли спортчиларни танлаш ҳамда тарбиялаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилда велоспорт бўйича миллий терма жамоа Таиландда ўтказилган Осиё чемпионатида иштирок этди. Унда жамоамиз аъзоси Муроджон Холмуродов 2-ўринни эгаллади ва Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун биринчи лицензияни қўлга киритди. Шунингдек, жамоа қатор мусобақалар — «Тур Малайзия», «Милад де Тур» (Ҳиндистон), «Тур Таиланд», «Тур Корея» беллашувларида иштирок этиб, велосипедчиларимиз 3 маротаба юқори маррани забт этдилар.

Умумий ҳисобда терма жамоа велосипедчилари трек ва шоссе бўйича 20 дан зиёд халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 2012 йилда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун яна лицензияларни қўлга киритиш имкониятларини оширдилар.

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бош ҳомий сифатида Велоспорт федерациясини ўқув-машқ машғулотларини ўтказиш бўйича молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Велосипед спортини оммалаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида веломарафонлар ўтказилиб, мусобақаларга барча ёш тоифалари бўйича ҳаваскор велоспортчилар жалб этилди.

Эътиборлиси, анжуман давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Велоспорт федерациясининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш ҳамда Республикада велоспортни ривожлантириш ишларига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида 4 та «Дамас» русумли автомобиль ва 122 та профессионал ҳамда машқ велосипедлари тақдим этилди.

— Бизга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик туфайли юқори натижаларни қўлга киритиб келмоқдамиз, дейди профессионал велосипед билан тақдирланган Владимир Тўйчиев. — Мана шундай велосипедда машқ қилишни, ғолиблар қаторида бўлишни ҳамиша орзу қилиб келганман. Барча ташкилотчиларга спортчилар номидан миннатдорчилик билдираман.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

### Спорт янгиликлари

**Тошкентда давом этаётган шахмат бўйича I Марказий Осиё кубоги мусобақасида бош соврин учун кураш қизғин паллага кирди. Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ шафеълигида ўтказилаётган нуфузли мусобақанинг навбатдаги икки турида пешқадамлик қилаётган кучли шахматчилар бир-бирига қарши дона сурди.**

## ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ — ПЕШҚАДАМ

Олти мамлакатдан келган шахмат усталари иштирок этаётган мусобақада бешинчи турда дастлабки икки поғонани эгаллаб турган етакчи гроссмейстерларимиз — Антон Филиппов ва Рустам Қосимжонов ўзаро куч синашди. Бунгача кетма-кет тўрт партияда зафар қучган Антон Филиппов қора доналарда ўйнаганига қарамай, Рустам Қосимжоновнинг барча ҳужумларини бартараф этиб, дуранг натижа билан пешқадамлик мавқеини сақлаб қолган эди.

Лекин олтинчи турда Р.Қосимжонов имкониятдан унумли фойдаланди. Истеъдодли ёш шахматчимиздан Жаҳонгир Воҳидовни мағлубиятга учратиб, очколари сонини бештага етказди. Р.Қосимжоновнинг пешқадамга айланишида Антон Филипповнинг қозоғистонлик тажрибали гроссмейстер Павел Коцур билан дуранг ўйнагани муҳим аҳамият касб этди. А.Филиппов ҳам беш очко тўплаган ҳолда бош соврин учун курашни давом эттирмоқда.

Ўзбекистонлик шахматчилардан Андрей Квон кўрсатаётган ўйин ва қайд этаётган натижалар ҳам мухлису мутахассисларга манзур бўлмоқда. Мағлубиятсиз дона сураётган кам сонли иштирокчилардан бири бўлган истеъдодли ёш спортчимиз сўнгги икки партияда юқори ўринларга даъвогарлик қилаётган қозоғистонлик халқаро гроссмейстер Павел Коцур ва ФИДЕ устаси Берик Аккозов билан дуранг ўйнади. Олти имкониятдан тўрт ярим очко жамғарган А.Квон мусобақа жадвалининг юқори қисмидан жой олди.

Тажрибали шахматчимиз Бегали Саидов ҳам олтинчи турда тожикистонлик ФИДЕ устаси Соҳиб Жўраевни мот қилиб, тўрт ярим очко билан пешқадамлар сафидаги мавқеини сақлаб турибди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

**Аввал хабар берилганидек, Вьетнамда Вьетнам футбол федерацияси Кубоги турнири уюштирилди.**

Вьетнам футбол федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро турнирда Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ғолиблик учун Вьетнам, Малайзия ҳамда Муанмар терма жамоаларига қарши майдонга тушди. Дастлабки учрашувда малайзиялик чарм тўп усталарини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратган олимпиячиларимиз вьетнамликлар билан 1:1 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этган бўлишса, сўнгги баҳсда Муанмар терма жамоаси устидан 2:1 ҳисобида зафар қучишди ва якунда 7 очко жамғариб турнир ғолиблигини қўлга киритишди. Турнирда иккинчи ўрин беш очко жамғарган вьетнамликларга насиб этган бўлса, тўрт очкога эга бўлган муанмарликлар учинчи ўрин билан кифояланишди.

Футбол мухлисларининг ёдида бўлса, Украинада уюштирилган халқаро турнирда ҳам Ўзбекистон олимпия терма жамоаси биринчи ўринни эгаллаганди. «Лондон — 2012» йўлланмасини қўлга киритишга астойдил аҳд қилган олимпиячиларимизни жиддий синов кутиб турибди. Ноябрь ойида Вадим Абрамов шогирдлари сафарда Олимпиада ўйинларига саралаш турнирининг навбатдаги босқичида Австралия ҳамда БАА олимпиячилари билан куч синашишади.

Вьетнамда бўлиб ўтган халқаро турнир ушбу муҳим беллашувлар олдидан ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

**Халқаро футбол уюшмаси — ФИФА ташаббуси билан дунё терма жамоаларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.**

## РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Қувонарли жиҳати шундаки, шу кунгача 78-поғонада бораётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси янги рўйхатда 72-ўринга лойиқ деб топилди. Сафарда КХДР терма жамоаси устидан жаҳон чемпионатига саралаш турнирида қозонилган 1:0 ҳисобидаги ғалаба янги рейтингда терма жамоамизнинг олти поғона юқорига кўтарилишини таъминлади.

Аммо терма жамоамиз янги рейтинг рўйхати натижаларига кўра Осиёда ҳамон Япония, Австралия, Жанубий Корея, Эрон ва Хитой терма жамоаларидан кейин олтинчи ўринда бормоқда.

Дунё терма жамоаларининг умумий рўйхатида ҳамон Испания карвонбошилик қилаётган бўлса, голландияликлар иккинчи, германияликлар учинчи ўринда боришмоқда.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

### Қатралар

## ЎЗИГА ХОС ЮТУҚ

Мавлоно Замахшарий бир воқеани ҳикоя қилади.

Бир куни Ҳасан ибн Ваҳҳоб билан Абул Айно бир коса қор топишдан баҳс бойлашибди. Абул Айно кўчага чиқибди, бозорлар кезиб ҳеч қаердан қор топа олмабди. Нима қилишини билмай турганида ногоҳ кўзи Бакр бинни Итоб исмли совуқ сўзли ва муз табиатли кишига тушибди. Уни Ваҳҳобникига бошлаб борибди-да, ичкарига кириб:

— Сен бир коса қор келтир, дегандинг, бир йўла юз коса келтирдим, — дебди-ю совуқ кишини ичкарига таклиф этибди.

Ҳасан ибн Ваҳҳобнинг кўзи Бакрга тушиши билан Абул Айнога дебди:

— Сен ютдинг. Олиб келган қоринг юз косадан ҳам кўпроқ ва совуқроқ!

## ҚАЛБ СУВИ МУСАФФО ЭТСИН

Инсон қасд қилса, кўзга кўринадиган ҳар қандай ифлос, кирларни тозалашга қодир. Ёлғончилик, айёрлик, беҳаёлик каби қалб кирини тозалашга қолганда эса айримлар ожиз қолади.

Мисол. Бир қишлоқни батамом сув оқизиб кетибди. Тирик қолган бир киши қочиб, ҳолдан тойиб ухлаб қолибди. Тушида қишлоғидаги бир ўғрини деб уларга офат юборилгани аён бўлади. «Бу қандай ҳолат, бир ўғрини деб бутун бир қишлоққа фалокат келадими?» деб ўйлаб турганида уйғониб кетади. Қараса, бутун баданини чумоли босган экан, лекин улардан биттасигина чақаётганмиш. У киши баданидаги ҳамма чумолиларни ўлдира бошлабди. Шунда қулоғига ғойибдан овоз келибди: «Эй инсон, битта чумолини деб шунча бегуноҳ чумолиларни ўлдирасанми?».

Битта ёмоннинг кўпга тегадиган касофатидан бир мисол бу!

Қани энди, ўша ёмон одам қалбидаги кирини қалб суви билан ювиб мусаффо қилса!

## ҲАҚИҚИЙ ДЎСТ

Анвар отасининг «Ақлли бўлай, десанг, китоб ўқи», деган сўзидан чиқмайди. Бўш қолди дегунча китоб ўқиб билимини оширади. Бир кун яқин танишига:

— Кўп эзмалик қилма. Фойдасиз гапларингни тинглашга вақтим йўқ. Дўстим бўлсанг, сен ҳам китоб ўқи, — дея илтимос қилди.

— Ундай бўлса, ўқиётган китобингни бериб тур, — деди Сарвар.

Унинг қўлидан китобни олди-да, уч кун ўтгач:

— Китобингни ўғирлатиб қўйдим, хафа бўлма, — деди ёлғондан омонатни қайтариб беришдан бош тортиб.

— Майли, — деди унга Анвар, — китобим доим мен билан бирга. Ишонмасанг, қулоқ сол.

Анвар қайта-қайта ўқиган китобини ёддан айтиб «дўсти»ни ҳайрон қолдиргач:

— Китобим қалбимнинг тўридан жой олган. Ҳақиқий дўстдек ҳечам мени тарк этмайди. Ман-ман деган ўғри ҳам ўғирлаб ололмайди, — деди.

Сарвар унга тан бериб «Китобини қайтариб бермасам бўлмайди», деди ичида ич-этини еб.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

**Йўлда ўзларига тўқнаш келаётган молни кўриб, Имом Аъзам йўл берибдилар. Сабабини сўраганларга эса шундай жавоб қилибдилар:**

**— Молнинг шохлари бўлса, менинг ақлим бор!**

* * *

**Абу Ҳомид Ғаззолий нодонликнинг тўрт кўриниши бўлиб, ундан учтасига даво йўқлигини айтади. Уларнинг давосизлари — ҳасадгўйлик, аҳмоқлик ва бефаросатлик бўлиб, ҳасадгўйнинг даъвоси — гўр, аҳмоқнинг жавоби — сукут, бефаросатга сўз — ҳайф. Билмаганини билишга интиладиган тўғри ва содда маънодаги нодонлик дардинигина муолажа қилса бўлади, дейди буюк аллома.**

* * *

**Имом Ғаззолийга:**

**— Бошқаларни фақирликка, қаноатга даъват этасиз, лекин ўзингизнинг катта бойлигингиз, оғилингизда қатор-қатор оту ҳўкизларингиз бор-ку? — дейишганида, жавоб бериб айтган эканки:**

**— Мен бу молларнинг қозиғини лойга қоққанман, дилга эмас!**

* * *

**Иброҳим Адҳам айтади:**

**— Мўмин кишининг нишони шуки, сукути фикр бўлур, қарагани ибрат, юргани тоат.**

* * *

**Иброҳим Адҳамга бой бир коса олтин келтирди.**

**— Буни биздан қабул қилсангиз.**

**— Мен фақирдан мол олмайман.**

**— Мен фақир эмишманми?!**

**Иброҳим Адҳам сўради:**

**— Ҳозирги давлатингдан ўн баробар кўпроқ давлатга эга бўлгинг келадими?**

**— Албатта! — деди бой кўзлари чақнаб.**

**— Бу ҳолинг фақирликдан бўлмай нима?! Бераётган нарсангга мендан кўра ўзинг муҳтожроқсан!..**

* * *

**Ҳасан Басрий қабристонда овқат еяётган бир кишини кўриб деди:**

**— Бу одам мунофиқдир. Чунки шунча марҳум ҳузурида кўнглига қўрқув тушмай, охиратни ўйламай, томоғидан овқат ўтар экан, бу мунофиқлик аломатидир.**

* * *

**Дунё ва унинг ҳолати хусусида сўровчиларга қайтарган жавоблари Ҳасан Басрийнинг пурмаъно ҳикматлари жумласига киради:**

**— Мендан дунё ва охират ҳақида сўрадинг. Дунё ва охират машриқ ва мағриб ҳолатига ўхшайди — уларнинг бирига қанча яқин борсанг, иккинчисидан шунча узоқлашасан.**

* * *

**Бир киши Ҳасан Басрийнинг олдиларига келиб:**

**— Фалончи сенинг ҳақингда номаъқул гапларни гапирди, — дебди.**

**— Қачон?**

**— Бугун.**

**— Қаерда?**

**— Уйида.**

**— Унинг уйида нима қилаётган эдинг?**

**— Зиёфатга борувдим.**

**— Зиёфатда нима единг?**

**Ҳалиги киши саккиз хил таомнинг номини санади.**

**Шунда Ҳасан Басрий:**

**— Ўша одамнинг саккиз хил таоми қорнингга сиғди-ю бир оғиз сўзи сиғмадими? Тур, кет бу ердан! — деди ва ғийбатчини ҳайдаб солди.**

**Эргаш ОЧИЛОВ**
**тайёрлаган**

**(Давоми бор)**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **27 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғади. Шарқдан ғарбга эсувчи шамол секундига 5-10 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи 17-19 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **27 октябрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2879 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 1041
Топшириш вақти: 13.00  Босишга топширилди: 13.50  1 2 3 4 5